

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1-йил чиқмиш.
15 НОЯБРЬ 1966 й.
СЕШАНБА
№ 117
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугунги ЯНГИЛИКЛАР

Я Н Г И АГРЕГАТ

Тошкентдаги компрессор заводида «ПР-16» маркали компрессорлар бугун синаб кўрилди. Бу янги маҳсулот илгариги компрессорларга нисбатан бир қатор қўлайликларга эга. Натигада унинг деталларини тайёрлаш анча арзонга туради. Маҳсулот таннорх бир ярм баравар арзонлашди. У аввалги компрессорга қараганда 60 процент кўп иш бажаради.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

«Ташсельмаш» заводининг коллективи ажойиб меҳнат кўрсаткичларини қўлга киритмоқда. Корхона қуёвчилари бугунгача пландан ташқари 42 тонна чўян ишлаб чиқарди. 15-цех коллективи эса пахта териш машиналари учун пландан ташқари 700 сўмлик эҳтиёт қисмлар, йиғув цехининг мастерлари икки та пахта териш машинасини тайёрладилар.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ МАКТАБИ

Бугун Трактор-йиғув заводида янги ташкил қилинган коммунистик меҳнат мактабининг биринчи машғулоти бўшланди. Бундай мактаблар корхонанинг ҳар бир цехида ташкил қилиниб, машғулотлар бир ойда икки марта ўтказилади. Бугунги, машғулотларда ишчилар коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда саноятнинг роли, меҳнат унвдорлигини ошириш каби темаларда суҳбатлар тингладилар.

«ТАШАВТОМАШ» ҒОЛИБ

МАМЛАКАТИМИЗ КОРХОНАЛАРИ БЎЙИЧА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КЕНГ АҲЖ ОЛГАН БИР ПАЙДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ «ТАШАВТОМАШ» ЗАВОДИ УЛКАН ҒАЛАБАНИ ҚўЛГА КИРИТДИ. УН ОЙЛИК ПЛАНИ МУВАФАҚИЯТЛИ АДО ЭТгани учун СССР ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИ МИНИСТРЛИГИ ТОМОНИДАН БИРИНЧИ ПУЛ МУКОФОТИ ВА КўЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚНИ ҚўЛГА КИРИТИШГА МУВАФАҚ Бўлди. ЗАВОД ИШЛАБ ЧИҚАРАётган ПРИЦЕПЛАР ПАХТАНИ ҚўП-ҚАНОРСИЗ ТАШИШДА ПАХТАКОРЛАРИМИЗГА КАТТА МАДАД БўЛЯТТИ. ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР БЎЙИЧА ИККИНЧИ УРНИНИ ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОР-ЙИГУВ ЗАВОДИ ОЛДИ ВА ИККИНЧИ ПУЛ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

СССР ОЛИИ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ҒАРМОНИ
СССР ОЛИИ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТўҒРИСИДА
СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Еттинчи чақириқ ССРС Олий Советининг иккинчи сессияси 1966 йил 15 декабрда Москва шаҳрида чақириلسин.
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. ПОДГОРНИИ.**
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**
Москва, Кремль, 1966 йил, 14 ноябрь.

УЛЬЯНОВСКИНИНГ ЭРТАНГИ ЖАМОЛИ

МОСКВА. СССР «Госстрой»ни ҳузурдаги граждандирилиши ва архитектура бўйича давлат комитети ҳамда РСФСР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари бўйича Давлат комитети биргаликда ўтказган мейдада Ульяновскда мемориал маркази қурилиши юзасидан лойиҳа топшириги нўриб чиқилди ва маъқулланди.
104 гектар майдонни эгаллайдиган мемориал зона лойиҳаси ЦНИИЭПнинг илмий коллективи томонидан бажарилган мемориал комплекс шаҳарнинг композицион марказига айланади. Бу монументал иншоот кватдрат шаклида планлаштирилган бўлиб, илгарии В. И. Ленин тутилган флигель ўртада жойлашади. Атрофи ўраб олинган ҳовлининг ўртасида Ульяновлар оиласи яшаган уй сақлаб қўлинади. Мемориал маркази биносида В. И. Ленин мариязий музейининг филиали заллари, сийсий маориф уйи ва Ленин фаолиятига оид расмлар галереяси жойлашади.
Ҳозирги В. И. Ленин ҳайкали турган майдон ҳам, мемориал марказида янгидан бунёд этилаётган майдон ҳам, Ленин орденли 1-мактаб, педагогика институти, ўлка музейи, пионерлар саройи, меҳмонхоналар ва бошқа бинолар зонага кирди. Лойиҳачи Мария Александровна Ульяновга монумент ўрнатиш ва «Революция галабаси» обидаси барпо этиш назарда тутилган. Волжанинг юксак қирғоқларида жойлашган ҳибон майдонга келиб туташади.
Суратда: Ульяновск шаҳрининг мариязий қисмидаги мемориал зона макети.
Н. Грановский фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ

Бугун Тошкент илмий оммабоп ва хроникал хужукати фильмлар студиясида «Ўзбекистон бўйлаб саёхат» деган фильмни суратла олиш ишлари тугалланди. Асар Ўзбекистоннинг гўзал шаҳарлари, боғлари ва уларнинг ажойиб бунёдкорлари ҳақида ҳикоя қилади.

УНИВЕРСИТЕТДА МАШГУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Бугун Тошкент шаҳар партия комитети қoшнидаги марксизм-ленинизм-университетида машғулотлар бошланди.
Бу йил университетида, — дейди университет директори Т. Ф. Шатов, — умумий, партия-хўжалик ақливи, пропагандастлар ва ёш марксизм факультетлари бўлади.
Умумий факультетда тинловчилар сўёсий иқтисод, маркча-ленинча философия, илмий коммунизм назарисини, конкрет экономикани ўрганадилар.
Партия-хўжалик ақливи факультети иқтисод, фалсафа ва тарих бўлимларидан иборат. Пропагандастлар факультетида ҳам ана шундай бўлимлар бор. Бироқ унинг партия-хўжалик ақливи факультетидан фарқи шунки, бу ерда партиявий пропаганда методикаси бўйича биринчи марта лекциялар ўқилади.
Фалсафа бўлимида машғулотлар кандидатлик минимуми программаси асосида ўтказилади.
Ёш марксизм факультети янги ташкил этилган факультет бўлиб, унда комсомол ходимлари фалсафа тарихи, диалектик ва тарихий материализм, маркча-ленинча эстетика билан шугулланадилар. В. И. Ленин комсомол ва ёшлар билан ишлаш ҳақида, партиявий пропаганда методикаси билан ҳам шугулланадилар.
Университетнинг Октябрь ва Фрунзе район партия комитетларида, «Ташсельмаш», «Ташкенткабель», «Главашкентстрой»да филиаллари бор.
Янги ўқув йилида университетнинг биринчи курсига партия, совет, комсомол ва хўжалик раҳбарларидан 1400 киши қабул қилинди.
Лекцияларини ўқийша малакали педагоглар жалб этилган. Улардан 56 киши фан кандидатларидир.

Бугунги англиклар

Високовольний массивида фидокорона меҳнат қилётган 4-қурилиш трести 19-қурилиш бошқармасининг В. Кичайкин бошлиқ комплекс қурилиш бригадаси кунлик топшириқларини 120—130 процентдан адо этиб, бошқа бригадаларга намуна бўлмоқда.
Суратда: В. Кичайкин (чапда) бригада раҳбарлари Е. Холмидов, М. Солидов, Т. Сайдалиев, М. Азнабоева ва Б. Беловлар билан суҳбатлашмоқда.
М. Нуридинов фотослари.



ЖАМИЯТ ЮЗГА КИРДИ

Бундан бир юз икки йил муқаддам, 1864 йилнинг кузида пойтахт шаҳар Санкт-Петербургда Василев оролидаги бежирим юлдўзим гуллари солинган кватрирада Россия индустриясини биринчи барпо қилган инженирлар тўплашди. Улар бир-бирлари билан баҳslashиб таманичи Мессажиди фабрикасини тамакиисидан тутун қайтариб, ҳазил-мутойиба билан Бугун Россия техника жамияти уставиинг лойиҳасини ишлаб чиқишди. Бу жамият у ерга тўпланганларининг фикрича, «мамлакатимизда қиреостийолиндан озод бўлган халқни саноти ва техникасини ривожлантиришда катта роль ўйнаши керак».
Юқори мартабали Бутун Россия императори Александр II лойиҳани ўқиб, бундай жамият халқчилик эканига ҳеч қандай шубҳа тугдирмаётганини ошқора тан олди. Бу жамият маблагини бошчалар ёрдами ҳисобига олсин. Давлат ҳеч қандай маблаг сарфламайди.
Орадан икки йил ўтгач, 1866 йилнинг 20 ноябрида Россия техника жамиятининг уставини таъсис этувчи аъзоларининг кўп ишчили кенгашида қабул қилинди. Унинг составида химия жамияти, физика жамияти ва геология илдинин жамияти киритилди.
Ҳозирги совет ҳокимияти йилларида инженир-техник ходимларнинг бирлашуви тугайли бу жамият мисли қурилмаган даражада ўсди.

ДЕКАДА КУНДАЛИГИ

Туркистон адабиёти ва санъати декадаси Тошкент доирасидан четга чиқди. Ҳозир Туркистон кўшиқлари республиканинг турли шаҳарларида ва кoлхоз посёлкаларида ҳам янграмоқда.
Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» кoлхозининг аъзолари Туркистон рақсларига кизгин қарсақ чалдилар. Давлат рақс ансамблининг артистлари бу рақсларни кoлхоз маданият саройига олиб келдилар. «Янгиликлар», «Молбoҳарлар» шўх рақслари, «Полов» хушчақчақ манзараси ва деҳқонларга гoт манзур бўлиб тушди.
Концертдан кейин кoлхоз партия ташкилотининг сeнфeртари В. С. Пан қардош республиканидан келган хурматли меҳмонларни кизгин табрирлади, уларга катта икюдий муваффақиятлар тилади. Туркистон ССР Давлат халқ рақси ансамблининг раҳбари, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Л. М. Смелянский санимий кутиб олганлиги учун миннатдорчилик билдирди.
Янгиёул районидаги «Ленинизм» кoлхозининг меҳнаткаш-хори Туркистон адабиёти ва санъати ванилларини 14 нoлбрда энг азиз меҳмонлар-дек қарнай ва сурнай жарнғдор музикаси билан кутиб олдилар. Ёзувчилар, композиторлар, артистлар ана шу хўжаликнинг ҳаёти билан гoт кизиниб танишдилар.
СССР халқ артисти С. Мурадова бу йил ўзбеки халқи Ванганга туҳфа қилган улкан «oқ олтин» хирмонига кoлхоз пахтакорлари қўшган муносиб ҳисса билан уларни кутлади.
Меҳмонлар «Ленинизм» кoлхозидан Чиноз томон йўл олдилар. Бу ерда ҳам санимий учрашув бўлиб ўтди. Янгиёул район партия комитетининг сeнфeртари А. П. Олимов, ёшлар директори Х. Бериди.



Набиев, «Қизил Октябрь» нoлхозининг раиси Д. Очиловлар Туркистон адабиёти ва санъати арбобларини табрирлаб нутқ сўзладилар. Туркистон шоирлари Н. Байрамов билан К. Тангрикулмевлар ўз шеърларини ўқиб бердилар. Бу ерда катта концерт кўйиб берилди. (УзТАГ).



Тошкент эксаватор заводи тоқари, коммунистик меҳнат зарбдори Р. Йўлдошев смена ва ойлук топшириқларини ортиги билан адо этиб, завод коллективини орасида катта обрў қозонган. У 1967 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.
Сурат: Р. Йўлдошев.

ЯНГИ УЙЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

Азамат бивокорлар улук Октябрь байрамидан кейин ҳам баракали меҳнат қилишга кириндилар. Улар қад кўтарган бивокорлар сўнгги пардозлаш ишларини зудлик билан бўлишиб Сергеевда ҳоли тўйларни аянгга келганига хали бир неча кун бўлмаданико ана жуда кўп янги уйлар бирин-кетин тайёр бўлмоқда. Бир-биридан гўзал ва хўшбин янги уйларни кўриб ҳавасинг келади.
Бугун азамат харбий қурувчилар янги уй-жойларни фойдаланишга қабул қилувчи давлат комиссияси диққатига бир қатор янги кватраларни тақдим этишди. Бу 2, 4, 5, 10, 11, 12, 14 кватралардир. Уларда 500 янги уй бунёд этилган. Буларнинг 315 таси бир қаватли уч хонадан иборат бўлган дағиллама уйлардир. Қолганлари эса икки қаватли 8-12 кватрларнинг меҳнатларига икюйиб баҳо берилди, янги уйларни фойдаланишга қабул қилиб олди.
Бугун Чилонзорда «Угранстрой» бошқармасининг 3-Киев қурилиш поезди азаматлари ҳам давлат комиссиясининг табригига музасар бўлдилар. Улар учинчи уйни фойдаланишга топширдилар. Бу уй В-13 кватрлида қад кўтаргандир.
Навбатда турман, кирғиз, қозoқ дўстлариниз ҳам бир неча уйларни фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.
Бугун Тошкентнинг Шимол-шарқ массивида ҳам тошкентлик бивокорлар 48 кватрларни уйни фойдаланишга топширдилар. Бино 4-қурилиш трестининг 6-қурилиш бошқармаси азаматларининг меҳнати билан бунёд этилган.
153-қурилиш трестининг биринчи қурилиш бошқармаси илгорларни эркатойларинини шод этилдиغان бўлдилар. Фарзандлар учун Чилонзорнинг Г-11 кватрлида 280 ўринли, Г-12 кватрлида эса 140 ўринли болалар қoлбани таяёрладилар.
Кун сайин хушига-хуши қўшилди, навқиронлашиб бораётган Тошкентимизда янги уй-жойларни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиб олиш кизгин давом этмоқда.

ЎҚУВЧИЛАР ЖЕМПЕР ТўҚИШНИ ўРГАНАДИЛАР

Бугун В. И. Ленин номида республика пионер ва ўқувчилар саройида янги тўғарақ ташкил қилинди. Унга бир неча қизлар иштиёк билан ёзилиши. Болалар бу ерда жўн ва ҳар хил иллардан жемпер тўқишни ўрганадилар. Ҳозир саройда киртка тўғарақ ишлаб туривди. Уларга 2 мингдан ортиқ ўқувчи қатнашади.

ҲИНДИСТОНДА ТАБИИЙ ОФАТ

ДЕХЛИ. Мадрас штатида (Жанубий Ҳиндистон) бошланган сув тошқини натижасида 28 киши ҳалок бўлди. Франс пресс агентлигининг хабарига айтилишича, тинмай ёмғир ёғиши натижасида Қойимбатор районида (Мадрас шаҳрининг 500 километр чамаси Фарби-Жанубида) Алёр дарёси тошиб, бир неча қишлоқни сув босган.



ЛОНДОНДА НАМОЙИШ

ЛОНДОН. Шанба кунин ёмғир ёғиб ва изгирини шамол эсиб турганига қарамай, юзлаб кишилар Вьетнамдаги ва Жанубий Родезиядаги аҳволга бағишланган намоийшда қатнашдилар. Бу намоийш «Мустамлакаларга озодлик бериш ҳаракати» деган ташкилотнинг ташаббуси билан Лондонда ўтказилди. Намоийшчилар Англия пойтахтининг марказий қўчаларидан ўтиб, Трафалгар майдонидаги оммавий митингга тўпландилар.
Митинг қатнашчилари резолюциялар қабул қилиб, Америка қўшинлари Вьетнамдан чиқиб кетсин, деган талаблар кўйдилар. Жанубий Родезиядаги ирқчи Смит режими тугатиш зарурлигини таъкидладилар.

КУБАГА ҚАРОҚЧИЛАРЧА ХУЖУМ

ГАВАНА. (ТАСС). Куба революцион куруллик кучлар министрлиги ўз баёнотида хабар беришича, «13 нoлбрда тоғ еришган лайдта шимолдан учиб келган номалезан самолёт Матанса кўрфазининг гарбий қисмида жойлашган «Сеперо бонилья» химия комбинати территориясига учта бомба ташлаган. Бу бомбалар Америкада ишлаб чиқарилган бўлиб, улардан биттаси омондорликка бироз зарар етказган. Номалезан самолёт шимолга томон учиб кетган».
Пренса латина агентлигининг ахборотида айтилишича, миллий территорияга қароқчиларча қўқилинган бу янги хужум Куба халқини ғазаблантирган.

ЁЛЛАМА СОЛДАТЛАР ТўПЛАНМОҚДА

НЬО-ЮОРК. Ҳинди-хитойдаги ва Конгодаги озоодлик ҳаракатларини Конгога бoстриб кириш бoстришда қoтнашган ва Чoмбенин ёлланган малайлардан бири бўлган Мишель мана шу ўзининг собиқ хўжайини тўзётган армия учун Жанубий Африка республикасида кўчилилар тўплаш билан шугулланмоқда. Иоганесбургдаги «Санди эскпресс» газетасининг ёзишича, Чoмбега ёлланган ҳарбийларнинг оттодаги ва Конгодаги озоодлик ҳаракатларини Конгога бoстриб кириш бoстришда қoтнашган ва Чoмбенин ёлланган малайлардан бири бўлган Мишель тўпланган ёллама солдатлар, дейилари ЮПИ агентлиги музбирининг Иоганесбургдан берган хабарига, Африка соҳиларида яқин оролардан бирида харбий тайёргарлик кўрмоқдалар.

ШАРҚИЙ ПОКИСТОНДА ВАБО

КАРОЧИ. (ТАСС). Шарқий Покистонда вабо касаллиги тарқалганлиги қайд қилинди. «Покистон обсервер» газетасининг хабарига айтилишича, Нетракон ва Мавлани Бозор районида 24 киши вабо тегиб улган ва кўпгина киши вабо билан оғриган. Бундан ташқари, мазкур районода чечак тарқалганлиги қайд қилинган. Учи киши чечакдан улган.

Фридрих Карл Кауль

ЭЙХМАН

ИШИ

«Министрлик маслаҳатчиси Глобке яхудиёларни немис граждандлигидан чиқариш ва уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиш ишини бошқаради».

Химоянинг «Шарқий» областлардан яхудиёларни «генерал губернияси»га кўчириш масаласи (бу ўринда гап 550 миң яхудиёни сургун қилиш ҳақида боради) қай тарзда рўй берганлиги ҳақидаги саволга Эйхман ўзининг кичкина одам эканлигини айтиб жавоб беради. У поездлар учун зақазлар берган, уларнинг ҳаракат графикасини тузиб чиққан ва «барча майда-чуйда техник муаммоларни ҳал қилиб юрган шунчаки оддий одам эди.

Бу ўринда ҳимоячи 1941 йил 15 январь куни чиққан ҳужжатга асосланади. Гап «Буёқ герман режими» граждандлиги ҳақида боради. Ички ишлар министрлигининг бу кенгашига Глобке ўзи тузиб чиққан низоом лойиҳасини ташдиқ этган эди. Ушбу низоомга буюқ режими территориясидан ўз ичига олиб олишга ҳақ қилиб чиқиб кетган ҳар бир яхудиёни ўз-ўзидан Германия фуқаролигидан чиқариб ади. Бошқа бир қарорда эса Германия фуқаролигидан ўз-ўзидан чиқаришга ҳар бир яхудиёнинг жонли ва жонсиз мол-мулкни мусодара қилиниши ва режими мулкига айлантирилиши таъкидланган эди.

Яхудиёлар масаласини ялпизига ҳал этиш қарорининг қурбони бўлган кишиларни талон-тароқ қилиш мана шу ҳужжат билан асосланиб қўйилган. Эйхман ва унинг калланасар ҳамтовоклари томонидан ўлим лагерларига

(ДАВОМИ. Боши газетанинг 8—30 октябрь ва 1—14 ноябрь сонларида).

«Сиз ҳам мамнун бўлганми?» деб сўради ҳимоячи.

«Ҳа, мен ҳам мамнун эдим, лекин менинг хурсандчилигим бошқа маънода эди мен бу масалада ўзининг айбдор эмаслигини, буйруқларини бажариб, ўз бурчимни адо этганимни ҳис қилганим учун ҳам хурсанд эдим».

Шундан сўнг Эйхман яна узундан-узун жумлаларда юқори ташкилотларнинг буйруғи бўлмаса энг майда ишларини ҳам рад эта олмаганини ҳикоя қилишга тушиб кетди.

Яхудиёларнинг аралаш оидаларини населсизлаштириш ишида у «албатта» иштирок этмаган.

«Мен юрист ҳам эмасдим, медин ҳам!» Шунга қарамай у «населсизлаштириш техникаси» дан яхши хабардор эди.

«... Населсизлаштириш ишлари бир томондан реинген нурларидан фойдаланиш билан амалга оширилган эди, иккинчи томондан эса доктор Поковни СС рейхсфюрери Гиммлерга бу соҳада махсус ўсимлиқ захардан фойдаланишни тавсия этган эди. Бу дори Мауаус фирмасига зақаз қилинди. Лекин зақазни менинг бўлишим берган эмас! Иўқ, асло бундай эмас! Зақазни СС группенфюрери Пооль берган эди. У мақсуд масалада бошқа марказий органлар билан ҳамбарчас алоқа олиб боради. Медик профессор, доктор Клауберг эса бу масалада экспертлик вазифасини ўтар эди».

Сўроқ берувчи реиҳ хавфсизлик бош бошқармаси яхудиё масаласини ҳал қилишда «тилни тартибга солиш» га қандай эътибор берганлигини айтди. Маслаҳатчи Халеви кўшимча саволлар берганидан кейингина яхудиёлар устидан қилинган ташқиётларни яшириш мақсадида ташқи олам билан муносабатда ҳам, ички вазифаларини бажаришда ҳам ҳар доим юмшоқ иборалар қўлашга мажбур бўлганлар. «Тилни тартибга солиш» ҳақидаги низоомда қуйидагилар таъкидланган эди:

«Удирини деган сўз ўрнига «ялпизига ҳал этиш» деган ибора, ҳайдаш деган сўз ўрнига «кўчириш» деган сўз қўлланилсин. Қамчи билан уриб жазолаш деган ибора ўрнига «қ — жазолаш» деган сўз қўлланилсин.

1941-42 йиллардаёқ миңлаб яхудиёлар ортлган дастлабки поездлар рейхдан Шарққа қараб жўнатилмоқда эди.

«Бор-йўғи 700 киши кетадиган поездларда қандай қилиб бир йўла миңлаб яхудиёлар жўнатилди?» деб сўради ҳимоячи.

«Поездлар ҳарбий транспорт бўлганлиги учун уларга одамлар кўпроқ ортлаверар эди. Ҳарбийлар юқини ўзи билан олиб юрди, оддий пассажирларнинг юқи учун эса махсус вагон ажратилди. Шу сабабли оддий пассажирларни поезда кўпроқ юклаш мумкин эди».

Одамлар қалаштириб ортлган вагонларда бир ўлим лагеридан иккинчисига кўчирилган миңлаб одамлар йўлиниги йўлдаёқ қирилиб кетганлигини сўз билар эди. Шунинг учун ҳам айланувчи бундай иш берганида залдагилар тасаббул қилинган. Раис уларни бир амаллаб тинчитди.

«Бу яхудиёларнинг улуғ-аймоқлари кўз ўнгига олиб ўлдирини керак!» Эйхман яхудиёларнинг оммани тарзда қириб юбориш ҳақида чиқарган буйруқларнинг бирида мана шундай сўзлар бор. Лекин бунинг учун у «албатта» айбдор эмас. Яхудиёларнинг ўлдирини ҳақидаги буйруқларни Эйхманнинг бўлими СС рейхсфюреридан олган. Унинг вазифаси фақат буйруқларга қўл қўйиш ва уларни амалга ошириш эди ҳолос. «Буйруқ буйруқлигига қолаверди!»

(Давоми бор).



КЕЧ КУЗ. Э. Островский фототюди.

ГУЛГУНЧАЛАР

ОРЗУ ҚАНОТИДА

Лутфулла Саъдуллаев ёш томошабинлар театрининг таланти артистларидан бири. У билан бир синфда ўқиганлар уни актёр бўлади, деб таъалларига ҳам келтиришмаганди. Лутфулла мактабда қўйилган бир-икки спектаклда қатнашган бўлса-да, бу машқлар ўртоқларига унинг келажак йўлини кўрсатиб беролмаган эди. Лутфуланинг ўзида эса актёр бўлиш орауси жуда кучли бўлиб, бу оруз етуклик аттестатини олган, уни театр-рассомлик институтига етаклади... Институтининг кечки бўлим актёрлик факультетига қабул қилинди. Кундузи эса Охунбоев номи ёш томошабинлар театрида ишлади. Институтидаги Гоголининг «Ревизориди» Хлопостко, А. Коорунинг «Уйланган умрида» Эйдан, А. Арбузовнинг «Иркутск воқеасида» Родик роляларини маҳорат билан ижро этиб, аъло баҳолар олди. Театр сахнасида эса татар халқининг қаҳрамон фарзанди Муса Жалилга бағишланган «Муса Жалил» спектаклида Лутфулла Муса Жалил ролин зур маҳорат билан ижро этди. Бу ролда ҳам Муса — Саъдуллаев томошабин кўз ўнгига, жасур, олов қалбини йигит сифатида гавдаланди.

«Пуэрто Соридо алағаси» спектаклида қаҳрамон Кубанинг ҳозирги кунлари тасвирланган бўлиб, бу спектаклни Островский номи Тошкент театр-рассомлик институтининг дипломант-талабаси ироқлик Саттор Ал-Азвий ёш томошабинлар театрида сaxeлаштирди. Лутфулла унга ассистентлик қилиш билан бирга спектаклда Хорхе образини яратди.

Иловойский асари асосида яратилган «Чандунинг сарғулашлари» эртак-спектаклида Лутфулла ёш хувоқ бола Чанду ролин ижро этди. Доимо яхшилик қилишга интилувчи, меҳнатсевар бола Чанду образи ҳам Лутфулла ижросида ҳаётий ниқон. Томошабин Чанду — Саъдуллаевнинг муваффақиятларидан хурсанд бўлади, муваффақиятсизликка учраса қайғурди. Чанду уч бошли ёвуз аждаҳо Каркас устидан устали билан галаба қозонган, кичик томошабинлар уни олқийлади.

Лутфулла Саъдуллаев ўзига топириган роль устида кунг билан ишлайди.

Ёш актёр Лутфулла Саъдуллаев орузлар қанотига йшмоқда. Орузлари жуда ҳам кўп. Энг кўп тилга оладиган орузи эса замонашларимиз, давримиз Корғанилари образларини яратиш, ёш томошабинларни хурсанд қилишдир.

А. ЗОКИРОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Спорт

ТАЖРИБАЛИ ТРЕНЕР

Шахримиздаги СССР лан стартага чиқди ва спорт мастери Фарҳада Хасанова номли ёшлар спорт мактабининг донг республикага кенг тарқалган. Қан ч а д а н қанча моҳир енгил атлетикачилар бу ерда тарбияланиб, етишиб чиқмоқда. Бунда тажрибали, моҳир тренер Р. Фазлиқабаровнинг хизматлари катта, албатта.

У тренер сифатида ҳам фахрланса арзийди. Унинг шогирдларидан Ю. Березини кросс бўйича, А. Манягина 800 метрга югуриш бўйича, Рауф Димадиев спорт юрши бўйича республика чемпионоларидир. Ғ. Эшонхўжаев, В. Колпачникова, А. Димадиевлар юқориди кўрсаткичлар каби Бутуниттифоқ IV халқлар спартакиадасига қатнашишга қандайд хисобланади. Улардан ташқари 30 га яқин енгил атлетикачилар Раис Фазлиқабаров раҳбарлигида ўз маҳоратларини тинмай ошироқдалар. Ҳозирги кунларда Фазлиқабаров ўз гуруҳ пасадига истеъодли ёшлар сонини кўпайтириш учун бир билим ва талантини ишга солмоқда.

А. ТУРГУНОВ



СССР спорт мастери Валерий Безверхов Тошкент Давлат физкультура институтининг III курсида ўқийди. У мусобақаларда Совет Иттифиқи чемпионолари Михаил Мазор ва Янош Ушко устидан галаба қозонди. Валерий «Буревестник» спорт жамияти Марказий Советининг терма командаси аъзосидир. Шу йил Олимпиада шаҳрида ўтказилган «Буревестник» спорт жамияти яхшичилиги мусобақаларида В. Безверхов фахрли учинчи ўринни эгаллади. У ҳозир терма бўйича СССР терма командаси аъзоллигига номзод ҳисобланади.

Суратда: В. Безверхов. И. ЗАЙНУДИНОВ фотоси.

РАССОМ ТАБАССУМИ

Контролёр: Янгитча, сизнинг билетингиз? Янгит: И-е, бу кондукторсиз вагон эмасми? Расм ўқитувчиси: Бир стан чой расмини чиз-чи... Уқувчи: Қандлими, қандсизми? Рассом А. ХОЛИҚОВ.

«ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ»

«Фан нашрияти» яқинда Э. Фозилзоининг «Эски ўзбек тили» номида китобининг I томини босмадан чиқарди. Бу нашрда ўзбек адабий тилининг адуқда келиши, ўзгариб бориши ва юксалиши кўрсатилган. Китобнинг I томида лугат состави кўрсатилганки, улар XIV аср Хоразм ёдномелери асосида тузилган бўлиб, асл манбалар ҳозирги вақтда Ленинградда, Тошкентда, Лондонда, Парижда, Лейпцигда, Анкарада сақланмоқда. Лугат составига киритилган барча сўзлар ҳужжатлар асосида цитаталар билан тасдиқланган.

Китоб илмий ҳодимларга — туркологларга, филологларга, шарқшуносларга, тарихчиларга, олий ўқу юртлирнинг ўқитувчиларига ҳамда ёзувчиларга мулкжалланган.

«ТИЛ ВА ТАРЖИМА»

Ўзбекистонда тарихимиз тарихи миң йиллик даврини намраб олади. «Фан» нашриётида босмадан чиққан Раббулла Саломовнинг «Тил ва таржима» номида монографиясида рус тилидан ўзбекчага таржима қилиниши бир қанча лингвистик масалаларни ёритган. Унда таржиманинг асосий «сўриллиш» материални бўғай сўз, унинг фонетик либоси, семантика ва устул хусусиятлари ҳамда тарихимиз наърайинда синонимлардан фойдаланиш ва би масалалар муфассал таъширилган.

Ушбу китобда баъдий тарихидада автор устулини ақс эттириш масаласига доир маълумотлар берилган. Булардан ташқари, миңлик наложрини ақс эттиришга доир муҳим фикрларини ҳам топиш мумкин. Турли-туман таржималарини, фантларини чоғиштириш асосида яратилган бу қимматли асарда Ғ. Саломов баъдий таржиманининг бир қанча лингвистик «сўриллиш» оқишга ҳаракат қилган. Автор ҳозиргача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган кўпгина таржимани наърайинда оид асарларини ва таржималарини йиғиб топган ва уларни таҳлил қилган.

Т. БОТМБЕКОВ.

Китоблар оламида

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

15 НОЯБРДА БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.20 — «Восток» — жаҳон маркази (эштитириш ва концерт), 19.00 — Ҳаётга йўл (телеспектаклининг 1-серияси), 20.40 — Эртаги куп программаси, 20.45 — Телевизион янгиликлар, 21.00 — Ўзбекистонда Туркия ил оид адабиёти ва санъати донаси. Гулда, яшша, Туркманистон, 21.20 — Бошланғич сўйиб мактаб тинловчилари учун. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш (Москвадан), 22.00 — Ўзбекистон санъат усталари. Карим Зокиров, 23.00 — Жасорат (ҳужжатли фильм).

НИКНИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — Хувук ўрдакча (болалар учун мультфильм), 17.25 — Уғир кўз (илмий-оммабоп фильм), Ҳаёқ тилла: 17.45 — Расм-ла хувоқлар (качқинтойлар учун), 18.00 — Баъдий фильм, 19.30 — Тошкент янгиликлари, 19.40 дан — Москва курсатида.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/ХI да Оққуш қўли, 16/ХI да Дилором.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/ХI да Мирзо Улуғбек, 16/ХI да Парвона (билетлар сотилган).

МУҚИМНИЙ НОМЛИ ТЕАТРИДА — 15/ХI да Ишқинг билан. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 15/ХI кеч соат 7 да Туркманистон давлат халқ мунду оркестри концерти, 16/ХI кеч соат 8 да Туркманистон ССР давлат халқ рақс ансамбли концерти.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Иртиқчи хайвонларни ўратувчи Иван Рубан, ўзбек цирк коллективини ва қизқичлар гуруҳи.

Кино театрларида

15 НОЯБРДА

Уруш ва тинчлик (2-серия) — САНЪАТ САРОБИ (кеч соат 5 ярим, 7 ярим ва 9-15 минутлар).

Давид қадам — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (1-залда), «МОСКВА» (кечкурун).

Улар 18 да эдилар — «ДРУЖБА» (2-залда кекурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да).

Енгилмаган батаъён — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номи (кекурун).

Леда Гамилъон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кекурун).

Ен ўқитувчи саргулашти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9-45 минутлар).

Тунги бўса — «СПУТНИК» (кеч соат 9 да).

Партизан каккулари — СОБИР РАҲИМОВ номи (кеч соат 8 да).

«Аврора» залли — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 7 ва 9 да).

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбек тилида чиқадиган «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва рус тилида чиқадиган «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» номида кечки ГАЗЕТАЛАРГА тўрли хил

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси 28-уй. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ички Вирлашган нашриёти, 3-қават 78-хона (ишбана кўнаридан бошқа ҳар кун кундуз соат 2 дан 4 гача).

1967 йил январь ойида «ОГОНЕК» ЖУРНАЛИ ТИШИДА

ойлик ихтимомий-сиёсий, адабий-баъдий, безакли

„ГУЛИСТОН“

ЖУРНАЛИ

Ўзбек тилида ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Обуна баҳоси: 1 йилга — 3 сўм 60 тийин, 6 ойга — 1 сўм 80 тийин, 3 ойга — 90 тийин.

Журналга обуна «Союзпечать» бўлимлари ва агентликларида, алоқа бўлимларида, пушнингдек корхона ва ўқув юртлирдаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон нашриёти.

ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» газеталарига 1967 йил учун обуна давом этмоқда. «Союзпечать» конторалари ва алоқа бўлимларида бу газеталарга обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Обуна баҳоси бир йилга 6 сўм.

ОБУНА БУЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?